БУХОРО ХАЛҚ САЙЛЛАРИДАГИ АНЪАНАВИЙ ТОМОШАЛАР ҲАМДА МИЛЛИЙ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ТАРИХИДАН

Г.Тўраева

Мақолада Бухоро халқ сайлларида анъанавий томошалар ҳамда миллий қўғирчоқ театрининг ўрни, бадиий анъаналари, қадимий ва замонавий услубларнинг уйғунлаштирилгани таҳлил қилинган. Бухоро қўғирчоқ театри ва халқ дорбозлиги соҳасининг миллийлиги ва жозибадорлиги тўғрисида тарихий манбаларда келтирилган маълумотлар қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганилган.

Калит сўзлар: *анъанавий томошалар, қўғирчоқ театрлари, миллий маданий анъаналар, мавсумий маросимлар, Меҳржон (Меҳргон) байрами, Наврўз байрами.*

В статье анализируется роль кукольного театра, художественных традиций, а также синтез старинного и современного стилей народных праздненств Бухары. В сравнительно-типологическом плане исследованы сведения о национальных особенностях и привлекательности Бухарского кукольного театра и народного канатоходства, приведенные в исторических источниках.

Ключевые слова: *традиционное представление, кукольный театр, национальная культура, сезонный обряд, праздник Мехржон (Мехргон) праздник Навруз.*

The article analyzes the role of Puppet Theater, artistic traditions, as well as compliance of the ancient and modern styles in the Bukhara folk festivals. The information, given in historical sources, on nationality and the fascination of Bukhara puppetry and folk rope-walking is studied in comparative typological plan.

Key words: *traditional performances, puppet theaters, national culture, seasonal rites, holiday of Mehrjon, holiday of Navrooz.*

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида бўлганидек, маданий ҳаётда ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Миллий маданият анъаналарининг қайта тикланиши ҳамда ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Бу, жумладан, театр санъатининг ривожланишида яққол сезила бошланди, янги-янги театр даргоҳлари қурилиб ишга туширилди. 1991 йилда Фарғонада, 1993 йилда Хивада давлат қўғирчоқ театрлари иш бошлади, 1994 йилда Қашқадарё ва Наманган вилояти театрлари қошида қўғирчоқ гуруҳлари очилди. Андижондаги “Ёшлар” театри 1994 йилда Аббос Бакиров номидаги Андижон ёшлар ва болалар театрига айлантирилди. 1993 йил августида Тошкент шаҳрида “Туркистон” саройи очилди [4.528]. 2014 йилда ўзбек театрининг 100 йиллиги кенг нишонланди.

Бухоронинг қадимий тарихга эга бўлган миллий маданият анъаналарида, халқ сайллари ва байрамларда ижро этиладиган томошалар, дорбозлик ҳамда қўғирчоқ театри саҳналарида халқнинг ижтимоий турмуш тарзи ифода этилган.

Бухорода байрам ва томошалар кўрсатишнинг яхлит бир анъанавий тизими мавжуд бўлиб, байрам ва маросимлар йил фасллари, ҳаттоки ҳар бир ойга тегишли бўлган. Бухороликларнинг мавсумий маросимларини қуйидаги туркумларга тасниф этамиз:

1) қишда ўтказиладиган гап-гаштаклар;

2) баҳорги маросимлар: Наврўз, шохмойлар (қўш чиқариш), лола ёки қизил гул сайли, лой тутиш, “Суст хотин” кабилар;

3) ёзги маросимлардан қовун сайли, “Чой момо” ва ҳоказолар;

4) кузги маросимлар: ҳосил йиғими билан боғлиқ бўлган “Облобарака”, “Ё Ҳайдар” шамол чақириш маросими, узум сайли кабилар. Бу томошалар аксар ҳолларда театрлаштирилган.

Наврўз – янги йил байрами, йил бошида, тенг кунлик вақтида нишонланган. Унинг асоси Марказий Осиё халқларининг ўтказилажак маросим ҳосил мўл бўлишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги мифологик қарашлари билан боғлиқ [2. 127].

Шу кунлари байрам дастурхонини безатувчи етти хил муқаддас таом (сумалак, ҳалим, гўжа, баҳорги кўкатлардан ҳар хил егуликлар) пиширилиши, ҳукмдорларнинг деҳқонларга алоҳида эътибори, баҳорги дала ишларининг бошланиши – буларнинг бари Наврўзнинг деҳқончилик маданияти билан узвий алоқаси ҳақида гувоҳлик беради. Наврўз байрами оташпарастлик дини билан боғлиқ бўлган, шунинг учун илк ўрта асрда Наврўз ва у билан боғлиқ расм-русумлар, ўйин ва томошалар зардуштийлар ибодатхоналарида ўтказилган. Баҳор арафасида, қишнинг охирги ойида

офтоб иссиғини рағбатлантирувчи расм-русумлар бажарилиб, Озаржашн байрами ўтказилган. “Бу куни одамлар ўз уйларида катта гулхан ёқишган, уларнинг атрофида ўтириб овқатланишган ва ўйин-кулги қилишган. Қиш совуғининг гўё тугаши билан боғлиқ равишда шундай маросим ўтказилган” [6.99].

Амир Музаффар даврида Наврўз байрамига расмий тус берилиб, байрам қарийб икки ой давомида нишонланган. Бухоро шаҳрининг шарқий қисмида жойлашган Ширбудин чорбоғида байрам сайллари, турли томошалар, миллий кураш мусобақалари ўтказилган. Амир Абдулаҳадхон даврида эса Наврўз сайллари бир ойга қисқартирилгани ҳамда Ситораи Моҳи Хоссада ҳам Ширбудин сайлидан сўнг яна ўн кунлик сайллар ўтказилгани тўғрисида Садриддин Айний эсдаликларида муфассал маълумотлар берилган [1.198].

Бухорода гули сурх (қизил гул) байрами кенг нишонланган: “Энг муқаддас маскан Ҳожа Баҳоуддин зиёратгоҳида катта сайллар, ўйин-кулги, байрамлар ўтказилган” [5.39]. Байрам бир ой давом этган. “Саҳардан шомгача одамлар қўшиқ айтишар, рақсга тушишар, чолғу асбобларида куйлар чалишар эди” [8.32]. Байрамда дорбоз ва масхарабозларнинг чиқишлари саҳналаштирилиб, қўғирчоқ театрлари қўйилган, олди-сотди, ёр кўриклари ва ҳоказолар ўтказилган.

Кузги байрамлар орасида Меҳржон (Меҳргон) байрами, айниқса, тантанали нишонланган. Шубҳасиз, барча байрамлар театрлаштирилган, ўйин-кулги, маросимлар, намойишлар, томоша ва халқ сайллари рақс билан уйғунлаштирилган ҳолда ўтказилган. Умумхалқ байрамларини нишонлаш учун шаҳар майдонлари ва шаҳардан ташқарида махсус жойлар ажратилган, асосан, Ширбудин сайлгоҳида уюштирилган. Байрамларда созанда ва хонандалардан ташқари дорбозлар, масхарабозлар, ромчилар ҳам ўз санъатларини намойиш этишган. Созанда ва хонандаларнинг барча чиқишлари байрамлар анъаналарини сақловчи корфармонлар ва баковуллар томонидан ташкил этилган ҳамда бошқарилган.

Бухоронинг қўғирчоқ театри ва халқ дорбозлиги соҳаси ўзининг табиий сеҳри ва жозибаси билан инсонлар қалбини ром этган. Бухоронинг театр томоша санъати V–VII асрларда, айниқса, гуллаб яшнаган. Бу даврда Турон билан Хитой ўртасидаги маданий алоқалар кучайиб, Турондан, шу жумладан, Бухородан Хитойга театр труппалари юборилган. Хитой солномачиларининг маълумотларига қараганда, Хитой императори саройида Бухоро (Аньго), Самарқанд (Қанға)дан борган хонанда ва созандаларнинг бир неча гуруҳи фаолият кўрсатган. Улар орасида талайгина аёллар ҳам бўлган. Улар тўққизта мусиқа асбобида куй чалишган. Ҳозирги кунгача “маси” рақс тури етиб келган [7.121].

Бухоро санъаткорлари орасида ажойиб шоир, буюк созанда, бастакор Мавлоно Нажмиддин Кавкабий катта нуфузга эга бўлган. У мусиқага доир рисоласини 1702–1711 йилларда Бухоро хони бўлган Убайдуллахонга бағишлаган [2.128]. Ўзининг қўғирчоқ театри ва мусиқа мактабига асос солган.

Манбаларга қараганда, Бухоро созанда ва бошқа ижрочилари нафақат Марказий Осиё ва Ҳиндистон шаҳарлари бўйлаб, балки Россиянинг катта-кичик шаҳарларида ҳам сафарда бўлишган. Масалан, 1784–1785 йилларда бухоролик Ориф дорбоз Москвада ўз санъатини намойиш этган. Унинг Кремль олдидаги майдонда кўрсатган томошалари ҳақида “Московские ведомости” газетаси мунтазам ёзиб турган. 1796 йилда эса Москвада Бухородан олиб борилган ўргатилган филлар билан томошалар кўрсатилган.

XIX асрда Бухоро ва амирликнинг бошқа шаҳарларида қўғирчоқ театри ва халқ томошалари санъатида жонланиш рўй беради. Бухоронинг Дарвозаи Ўғлон даҳасида XIX асрнинг биринчи ярмида санъаткорларнинг қирққа яқин оиласи истиқомат қилган. Махсус даҳада фақат созандаларгина эмас, балки қўғирчоқбозлар, масхарабозлар, раққослар ҳам бўлган. Уларнинг турмуш тарзи ҳақида Бухорода бўлган Александр I нинг миссия раҳбари Демезон 1834 йил октябрида шундай ёзган эди: “Улар, одатга кўра, сурнай ва чирманда чалиб, фарзанд туғилган ёки оилавий қувончли воқеа содир бўлган хонадонларни излаб, шаҳар айланиб, аҳолига хизмат қилишган. Қўғирчоқ театрининг истеъдодли намояндалари Бухоро амирлигининг қишки саройи бўлган Аркда хизмат кўрсатишган. Давлат аҳамиятига молик воқеа рўй берганда ёки байрамларда Арк дарвозаси тепасидаги ноғорахонада куй чалишган. У ердаги чолғучилар таркиби саккиз нафар ноғорачи ва саккиз нафар сурнайчидан иборат бўлган” [3.137].

Бухоро амири саройида масхарабозлар тўдаси мавжуд бўлган. Улар қўғирчоқ театри томошаларини ўзларининг чиқишлари билан уйғунлаштирганлар. Масхарабозлар тўдасини дастлаб Сайфулло Масхара (1797-1867), кейин Тўла масхара (1842–1916 йил) бошқарган. Тўла масхара труппасида Эргаш масхара, Саъди масхара, Холиқ масхара, Мурод сиёҳ, Абдурауф оқсоқол, Абдурасул корфармон, Саид мирзабоши, Кили Аббос, Ҳамро гармон, Ота Ашраф мавриги, Усто Қудрат, Шариф бозингар, Эгамберди чўтбозлар фаолият олиб бо-

ришган. Уларнинг барчаси чинакам истеъдод эгаси бўлиб, қўғирчоқ театр кўринишларини мусиқа ва ўйин билан моҳирона уйғунлаштира олганлар [2.134]. Қўғирчоқ театри тўдаси амир саройида хорижий меҳмонларга ўз санъатларини намоён қилиб, йирик амалдорларнинг базмларида, байрам дастурларида иштирок этишган. Одатда, ҳар бир тўда мустақил иш олиб борган, лекин уларнинг биргаликдаги чиқишлари ҳам ман этилмаган. Масалан, 1879 йилнинг 4 март куни рус элчиси И.Л.Яровскийга 5 соат давом этган театр дастури намойиш этилган. Бу дастурнинг асосини қўғирчоқ театри ташкил этган [9.330].

В.В.Крестовский раҳбарлигидаги рус элчиларига икки бўлимдан иборат дастур намойиш этилган: бирида масхарабоз ва раққослар; иккинчисида қўғирчоқбозлар томоша кўрсатишган. Шу дастур билан чиққан аралаш тўда бир қанча созанда ва хонандаларни, икки масхарабоз, беш раққос ва икки қўғирчоқбозни ўз ичига олган. Масхарабозлар бир қанча пантомималар, тақлидлар, шунингдек “Эшак савдоси”, “Даллоллик” сингари комедияларни намойиш этишган. “*Шуни таъкидлаш керакки,*– деб ёзади В.В.Крестовский, – *томоша кўрсатилаётган жойга ҳурмат юзасидан масхарабозларнинг барча ҳазиллари, раққослар ўйини одоб доирасидан чиқмади, баъзи ўйинлардагина енгил бир ишора билан чекландилар* [2.136].

Сарой тўдалари (рикоби) баъзан Арк қошидаги Регистон майдонида томоша кўрсатишарди. Минглаб томошабинлар йиғиладиган бундай намойишлар *чавкий* деб аталган. Кўпинча раққослар, масхарабозлар, дорбозлар томоша кўрсатишган. Уларни сарбозлар қўриқлаб турганлар. Ана шундай томошалардан бирида Маҳмуд дорбоз раҳбарлигидаги дорбозлар, Жўра ва Абдухолиқ масхарабозлар, таёқ ушлаган раққослар ўз санъатларини намойиш қилишган, эллик мингга яқин томошабин тўпланган.

XX асрда Бухоронинг анъанавий томоша санъатида энг барқарори рақс, цирк томошалари, оилавий тантаналар билан боғлиқ байрам ва театрлашган маросимлардир. Бу вақтда ижрочилар уч тоифага бўлинган:

1) саройда хизмат қилиб ижод қилган санъаткорлар;

2) халқ орасида яшаб ижод қилган санъаткорлар;

3) ижоди сўфийлик – нақшбандия тариқати билан боғлиқ бўлган санъаткорлар.

Файзулла Хўжаевнинг ёрдами туфайли 1922 йилда Бухорода Европа даражасидаги театр ташкил этилди. Бу театр таркибига барча соҳа йўналиши кирган. Тошкентдан артист ва режиссёр Маннон Мажидов – Уйғур таклиф қилинган. Бухоро қўғирчоқ театрининг асосини Москва 2-студиясининг битирувчилари: П.Раҳмонова, Х.Хўжаева, О.Ҳасанов, М.Мусаев, Б.Хўжаев, А.Олимова, Б. Жамолов, Ж.Қўлдошев ташкил этган. 1931–1932 йилларда театр труппасига режиссёр Я.Бобожонов раҳбарлик қилган.

С.Айний номидаги театр ижодий жамоаси кўп йиллар давомида Бухоро театр санъатининг бадиий анъаналарини ўзлаштириб, анъанавий ва замонавий бадиий услубларни уйғунлаштириб, тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. Театрнинг энг яхши спектаклларида мақом, рақс, қўғирчоқ театри анъаналари давом этмоқда.

Адабиётлар:

1. Айний С. Эсдаликлар. Асарлар. 7 томлик. 4-том. – Т., 1966.– 332 б.

2. Бухоро – Шарқ дурдонаси. –Т.: Шарқ, 1997. – 232 б.

3. Демезон Т. Записки о Бухарском ханстве. – М.: Наука, 1983. – 482 с.

4. Жўраев Н. Ўзбекистон тарихи. 3-том. – Т., 2011.– 735 б.

5. Лобачева Н., Слесарев Г. Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – М., 1986. – 208 с.

6. Наршахий М. Бухоро тарихи. –Т.,1966. – Б.99.

7. Рифтин Б.Л. Из истории культурных связей Средней Азии и Китая // Проблемы востоковедения. –Ташкент.- 1960.- №5.– С.121 – 123.

8. Хамраев А.Х.Праздник “Красной розы”. // Известия АН УзССР.- 1958.- № 6. – С. 72 – 73.

9. Яровский Н.Л. Путешествие русского посольства по Афганскому “Бухарскому ханству в 1878-1879гг.- СПб., 1882.– 383 с.

Бухоро давлат университети,
2015 йил 2 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Ҳ.Ҳ.Тўраев)